

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 23525,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 3,1 %га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2016 йилдаги нархларга нисбатан 120,8 % ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ нинг аҳоли жон бошига 8268,1 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1,8%га ўсди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,8%, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 23,1%), саноат – 103,0% (38,7%), курилиш – 100,5% (3,7%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,2% (10,9%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 101,9% (8,2%) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,2 % (15,4%)ни ташкил қилди.

**2017 йил январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


	млрд.сўм		<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>	

I. Ялпи худудий маҳсулот, жами	18902,8	23525,3	103,1
---------------------------------------	----------------	----------------	--------------

шу жумладан:

Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17553,3	21818,6	102,8
Маҳсулотларга соф соликлар	1349,5	1706,7	106,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17553,3	21818,6	102,8
Кишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги	3575,3	5038,1	100,8
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	7494,1	9266,7	102,8
саноат	6758,2	8449,6	103,0
курилиш	735,9	817,1	100,5
Хизматлар	6483,9	7513,8	103,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1991,4	2380,2	102,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1687,8	1782,6	101,9
бошқа хизматлари	2804,8	3351,0	106,2

Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



Юқорида келтирилган диаграммада бирламчи секторнинг (кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги) ЯҲМ таркибидаги улуши 2016 йилдаги 20,4% дан 2017 йилда 23,1%га ошганлигини кўриш мумкин. Иккиласми секторнинг (саноат ва қурилиш) улуши 42,7% дан 42,4%га, учламчи сектор (хизматлар соҳаси)нинг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 36,9% дан 34,5%га камайган.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 57,3% кичик тадбиркорлик (бизнес) хиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2016 йил январь-декабрда 58,3% ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 34,5% (2016 йил январь-декабрда 36,9%)ни ташкил қилган.